

УН ШУДРИНГ КАСАЛЛИКЛАРГА ҚАРШИ КУРАШ САМАРАДОРЛИГИ

Кузибоева Севара Дилшодбековна
Ассиситен
Андижон кишлок хужалиги ва
агротехнологиялар институти

Аннотация. Ушбу маколада уншудринг касаллиги ва унга қарши кураш батафсил ёритилган. Ун шудринг касаллиги замбуруғли касаллик бўлиб ёш новдаларнинг учини ва баргини зарарлайди. Бунда новданинг уч томони, барги оқ унсимон ғубор билан қопланиб қолади. Натижада новдалар ўсишдан орқада қолади ёки бутунлай ўсмайди. Касалликка қарши курашда куртақлар ёзилгунга қадар дарахтлар сувда намланувчи олтингугурт (100 литр сувга 0,8-1 кг ҳисобидан) ишланади.

Калит сўзлар: мева дарахтлари, мармелад, мураббо, шакар, органик кислоталар, Симиренко, ун шудринг, замбуруғ, касаллик, олтингугурт, Топсин-700.

ЭФФЕКТИВНОСТЬ БОРЬБЫ С ЗАБОЛЕВАНИЯМИ МУЧНАЯ РОСА

Кузибоеву Севару Дилшодбековну
Ассицитен
Андижанское сельское хозяйство и
институт агротехнологий

Аннотация: В данной статье подробно описывается мучнистая роса и борьба с ней. Мучнистая роса - это грибковое заболевание, поражающее кончики и листья молодых побегов. В этом случае побег и лист покрываются белой мучнистой росой с трех сторон. В результате побеги отстают или вообще не растут. Для борьбы с болезнью деревья перед распусканием почек обрабатывают водой, смоченной серой (0,8-1 кг на 100 л воды).

Ключевые слова: фруктовые деревья, мармелад, варенье, сахар, органические кислоты, симиренко, мучная роса, грибок, болезнь, сера, топсин-700.

EFFICIENCY OF COMBATING UN ROSE DISEASES

Kuzibaeva Sevara Dilshodbekovna
Ascites
Andijan Agriculture and
Institute of Agrotechnologies

Abstract: This article details powdery mildew and the fight against it. Powdery mildew is a fungal disease that affects the tips and leaves of young shoots. In this case, the three sides of the shoot and the leaf are covered with a white powdery mildew. As a result, the shoots lag behind or do not grow at all. To combat the disease, trees are treated with water-soaked sulfur (0.8-1 kg per 100 liters of water) before bud break.

Keywords: fruit trees, marmalade, jam, sugar, organic acids, simirencо, powdery mildew, fungus, disease, sulfur, topsin-700.

Кириш. Ўзбекистоннинг табиий шароити мева дарахтлари ва ток ўстириш учун энг қулай ҳисобланади. Ўзбекистонда кўплаб мевали дарахтлар: олма, нок, беҳи, олча, гилос, шафтоли экилади. Бироқ, боғ ва токзорларда уларнинг ҳосилини зараркунанда ва касалликлардан ҳимоя қилмай туриб, юқори сифатли ҳосил олиб бўлмайди. Ўзбекистоннинг мева боғларида 260 дан зиёд зараркунанда ва 50 дан зиёд касалликлар учраши қайд қилинган. Фақат олма қуртининг ўзигагина қарши кураш олиб борилмаса, ҳосилнинг 50 ва ҳатто 70% ини йўқотиш мумкин.

Зараркунанда ва касалликларга қарши кураш самарадорлигини ошириш учун аввало боғларнинг парваришига алоҳида эътибор бериш керак. Боғ ва токзорларни барпо этишда уларнинг атрофига ихота дарахтларидан (жийда, тол, терак ва бошқалар) экиш лозим. Улар изғирин ва совуқ шамоллардан ҳимоя қилади. Ер ости суви яқин жойлашган тупроқларда боғ ва токзорлар барпо этишдан олдин коллектор-зовурлар қазиб, зах сувлар сатхи пасайтирилиши зарур.

Мавсум давомида парваришlash тадбирларига дарахтларни вақтида суғориш, озуқа бериш, сифатли шакл бериш ва буташ, тоқларни хомтоқ қилиш, мевали дарахтлар, айниқса, данаклиларнинг танасини оқлаш киради.

Ўзбекистонда етиштириладиган олмалар таркибида ўрта ҳисобда 80,5-86,5% сув ; 9,6-14,8 % шакар; 0,31-0,91 % органик кислоталар; 0,27-0,48 % эрувчан пектин; 0,025-0,060 % га яқин ошловчи моддалар; 0,10-0,45 % минерал тузлар ва бир қанча витаминлар бор. Олманинг қишки навлари қимматлидир.

Олма катта дарахт бўлиб, бақувват танасининг баландлиги 12-20 м га етади. Унинг шох-шаббаси ҳам кенг ёйилиб ўсади. Ҳосилга турли, вақтда

киради. Пишиш вақтига қараб ёзги, кузги ва қишки навларга бўлинади. Мевасининг шакли, йирик майдалиги, ранги ва хушбўйлигига қараб ҳам бири-биридан фарқ қилади. Олма дарахтларининг яшаш даври уларнинг навига, пайвандтагга ҳамда қўлланиладиган агротехника усулларига боғлиқ. Кучли пайвандтагларга уланган олма дарахтлари ўрта ҳисобда 45-50 йил, айрим туплари эса 100 йил ва хатто ундан ҳам узоқ яшайди.

Ўзбекистонда асосан европадан келтирилган олмани навлари: Ренет Симиренко, Оқ Розмарин, қишки сариқ Пармен ва шимолий-америка навларидан: сариқ бельфлер, Вайнсеп, Джанатан, Джоноред, Годен Делишес, Кинг Девид; маҳаллий навлардан: Первенец Самарканда, Тошкент Боровинкаси ва Нафис навлари етиштирилади.

Тадқиқот услубияти. Ун шудринг касаллиги замбуруғли касаллик бўлиб ёш новдаларнинг учини ва баргини зарарлайди. Бунда новданинг уч томони, барги оқ унсимон ғубор билан қопланиб қолади. Натижада новдалар ўсишдан орқада қолади ёки бутунлай ўсмайди. Ун шудринг касаллиги ёш олма дарахтларига катта зарар келтиради. Касаллик юқумли бўлиб, кўпинча куртакда қишлайди. Баҳор серёғин келган йиллари ун шудринг айниқса авж олади.

Ёш олма дарахтларидаги, касалланган новдалар кўкламда кесиб олиб ташланади. Куртаклар ёзилгунга қадар дарахтлар 3 йилда 1 маротаба нитрофен (100 литр сувга 2 кг ҳисобидан) билан, мавсум давомида эса сувда намланувчи олтингутурт (100 литр сувга 0,8-1 кг ҳисобидан) ишланади.

Биринчи пуркаш касалликнинг дастлабки белгилари аниқланиши биланок ўтказилади. Кейинчалик эса яна 1-2 маротаба 10-12 кун оралатиб сепилади. Агар пуркаш муддатлари зараркунандаларга қарши кураш муддати билан тўғри келиб қолса, унда икки тадбир омухта қилиб, бир йўла ўтказилади. Туйилган олтингутуртни чанглатса ҳам бўлади.

Тақиқот натижалари ва уларнинг таҳлили. Тажриба Андижон вилояти, Пахтаобод тумани, “Халилилло” фермер хўжалиги шароитида олиб борилди, 4 қайтариқ 4 вариантдан иборат бўлиб, 1ярусда жойлаштирилди. Кўчатлар 4х5-1

схемасида экилган. Асосий нав қилиб “Семеренка” нав олинди. Тажриба қўйилгунга қадар ушбу нав 20.5 фоиз ун шудринг касаллиги билан касалланган.

Тажриба “Шредер” номидаги боғдорчилик ва узумчилик илмий тадқиқот институтти томонидан чоп эилган услубият асосида олиб борилди.

Кузатувларга кўра тажрибадаги вариантлардаги дарахтлар ўсув ва мева шохларини баландлиги берилган. Хисобга кўра ўсув шохлар 15.III даги назорат вариантида 0.4 см Топсин-700 гр/га ишлатилган вариант 0,7 см, кейинги саналарда 3 вариант назоратига қараганда 0.8 см баландлиги аниқланган. Қолган вариант 0.4- 0.5 см.

Мева шохлари ҳисобга олинганда ҳам шундай тафовудни кузатишимиз мумкин. 1 апрелда назоратга нисбатан 3 вариантда 0,2 см, 1 майда эса 0,6 см билан фарқланади.

Касаллик ва зараркунандалар билан зарарланган бўлса мева сифати бузилади. Ўртача қарши кураш чораларида касалликларни олдини оламиз.

Топсин -М кимёвий модданинг олманинг ун шудринг касаллигига таъсири.

Жадвал 1

т/р	Тажриба вариантлари	Хисобга олинди				
		1.V	1.VI	1.VII	1.VIII	1.IX
1	Назорат	0.7	1.5	3.4	5.9	8.4
2	Топсин –М -700 гр/га	0.4	1.0	2.3	3.4	4.6
3	Топсин –М -800 гр/га	0.1	0.3	1.0	2.5	3.2
4	Топсин –М -900 гр/га	0.3	0.8	1.6	3.5	4.2

Хулоса ва таклифлар. Топсин-М кимёвий моддани касаллик таъсири ҳисобларини таҳлил қиламиз. Назоратда 1 майда 0,7% ни ташкил этса, 3-вариантда 0,1%, Топсин –М -800 гр/га меъёрда сарфланган вариантда назоратга нисбатан 5,2 % кам зарарланган.

Май ойи ҳисобида назоратга нисбатан айнан шу вариантда 35% кўпроқ мева шаклланган. Августда 3- вариантда эса 35 % назоратга нисбатан кўпроқ.

Олинган кузатув натижаларига кўра назорат вариантыга нисбатан 3 вариантда 13.9 т кўшимча ҳосилдорликга эришилди.

Топсин-М кимёвий моддасининг 800 гр/га қўлланилганда касаллик қўзғатувчи учун кучли фунгицид вазифасини ўтай олган. Бунда хўжалик иқлим шароитга кўра мева касалликларига қарши курашда муддатнинг аҳамияти катта. Топсин-М кимёвий моддасининг 800 гр/га ҳисобида олиниши касалликни 3.0 фоизга камайтирибгина қолмай, ҳосилдорликни назоратга нисбатан 56,0 т/га ортган.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. В.Н.Корчагин, Защита сада от вредителей и болезней, Москва, Колос,1978
2. Гребеншиков С.К., Справочник по защите растений для садоводов и огородников. Москва, сельхозиздат,1987
3. Дементьева А.И., “Фитопатология”. Москва 1991
5. Дементьева А.И., “Қишлоқ хўжалик экинларининг асосий касалликлари”, Москва, 1993
6. Ўсимликларни зараркунанда, касаллик ва бегона ўтлардан ҳимоя қилиш тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси қонуни. Тошкент,2000.